



ILM-FAN MUAMMOLARI TADQIQOTCHILAR TALQINIDA

KITOB

RESPUBLIKA ILMIY KONFERENSIYASI

ILM

FAN

TADQIQOT

TAHLIL

TA'LIM

YANGI O'ZBEKISTON

MAKTAB

INNOVATSIYA

BUYUK KELAJAK

UCHINCHI RENESSANS



OPEN  ACCESS



Google
Scholar



KONFERENSIYA QATNASHCHILARI:

- TALABALAR
- MAGISTRANTLAR
- DOKTARANTLAR
- YOSH OLIMLAR
- O'QITUVCHILAR

Aniq fanlar

Tabiiy fanlar

Tibbiyot fanlari Ijtimoiy-gumanitar fanlar

Texnika fanlari San'at va madaniyat fanlari

Jismoniy tarbiya va sport

Iqtisod fanlari

Filologiya fanlari

Pedagogika fanlari

Psixologiya fanlari



TALQINVATADQIQOTLAR.UZ



+99891-152-93-14


Ushbu ilmiy konferensiya “Ilm-fan va ilmiy faoliyat to’g’risida” O‘zbekiston Respublikasi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining ilm-fan va ta’lim sohasini rivojlantirishga qaratilgan tegishli qarorlarida ko‘zda tutilgan vazifalar ijrosini ta’minlash, talabalar, magistrantlar, doktorantlar va yosh olimlarning ilmiy tadqiqot natijalarini keng yoritish maqsadida “Talqin va tadqiqotlar” ilmiy-uslubiy jurnali tahririyati (O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikasiyalarni rivojlantirish agentligining 1540-sonli Guvohnoma, ISSN 2181-3035, talqinvatadqiqotlar.uz veb-sayti) tomonidan tashkil etib boriladi.



“Ilm-fan muammolari tadqiqotchilar talqinida” mavzusidagi respublika ilmiy konferensiyasi

MATERIALLARI TO‘PLAMI

20-iyun, 2024-yil



Google Scholar



ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ҲАМДА СХЕМАЛАРИДА ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ЭКИЛГАН ШИРИН МАККАЖЎХОРИ НАВ ВА ДУРАГАЙЛАРИНИНГ ЯШИЛ МАССАСИГА ТАЪСИРИ

Рахматов Идрок Илхомович

Бухоро Давлат университети тадқиқотчи

Аннотация. Ушбу мақолада ширин маккажўхори нав ва дурагайлари такрорий экин сифатида ўстирилганда экиш муддатлари ҳамда экиш схемаларининг яшил массасини шаклланишига таъсири бўйича маълумотлар баён қилинган.

Калит сўзлар. Ширин маккажўхори, нав, дурагай, тўпгул, поя, сўта, сабзавот, сут-мум пишиш, рўвак, ўсув даври.

Кириш. Республикамизда ҳам ширин маккажўхорини такрорий экинда ўстиришга мос нав ва дурагайлари танлаш, экиш муддатлари ҳамда экиш схемалари белгилаш бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Ширин маккажўхоридан сифатли сўта ҳосили олишда нав ва дурагайларнинг морфобиологияси, экиш муддати, экиш схемаси ҳамда бошқа омиллар катта аҳамиятга эга. Шу сабабли турли тупроқ-иқлим шароитига мос ширин маккажўхори нав ва дурагайлари танлаш, мақбул экиш муддати ва экиш схемаларини белгилаш муҳим ҳисобланади.

Республикамизда сўнгги йилларда аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, истеъмол рационини яхшилаш ҳамда талаб этилган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, ер-сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш, ресурс тежамкор технологияларни жалб этиш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш орқали деҳқон ва фермер хўжаликларининг даромадини ошириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ширин маккажўхори сўталари бутун дунёда инсонлар томонидан озиқ-овқатда сабзаёт сифатида истеъмол қилинади[1]. Ширин маккажўхори сўтасининг сабзаётлик хусусияти асосан сут-мум пишиш даврида намоён бўлади[2, 3]. Ширин маккажўхори нав ва дурагайлари асосий ёки такрорий экинда экиб етиштирилганда сўталари сут-мум пишиш фазаларидан ўтиб кетса сабзаёт сифатида истеъмол қилиб бўлмайди, донлари котади ҳамда товарбоплик (сабзаётлик) хусусиятини йўқотади[5]. Шунинг билан бир қаторда сут-мум пишиш давридаги донининг таркиби кун сайин балки соат сайин ўзгариб боради. Шу боис ширин маккажўхорининг ўсимликлари сўталарининг сут-мум пишиш фазаларининг давомийлиги узоқ давом этадиган нав ва дурагайлари танилаш ёки ушбу ривожланиш фазаларини қисман бўлсада чўзилишини таъминлайдиган агротехник тадбирларни ишлаб чиқиш лозим. Ширин маккажўхори сўталари сут-мум пишиш фазасидан тўла пишиш фазасига ўтиб кетмасдан йиғиштириб олиб истеъмолга ишлатиш ёки совутгичли омборхоналарга сақлашга қўйиш лозим[4].

Тажриба натижалари. Тажрибаларимизда ширин маккажўхорининг такрорий экин сифатида ўстиришга мослиги бўйича Мазза, Замин навлари ва Мегатон F₁, Юнион F₁ дурагайлари нининг ўриб олинган ўсимлик массасидаги ҳосил структурасининг шаклланиши нав ёки дурагай, экиш муддати ҳамда экиш схемаларига боғлиқлигини тадқиқ қилинди. Натижаларга кўра 25 июнда экилган Мазза нави сўталари техник етилганда йиғиштириб олинган (илдиз ва сўтадан ташқари) ўсимлик массаси экиш схемасига боғлиқ ҳолда 687,1 граммдан 726,7 граммгача ортиб борди. Шунингдек, энг юқори ўсимлик массасининг шаклланиши 60x30 (715,8 г), 70x25 (714,2 г) ва 70x30 (726,7 г) см схемаларда экилганда қайд этилди. Энг кичик ўсимлик массасининг шаклланиши эса 60x20 ва 70x20 см схемаларда экилганда қайд этилиб тегишли равишда 687,1- 695,1 грамм бўлганлиги кузатилди. Ширин маккажўхори ўсимликлари барг массаси вази ошиши ёки камайиши ҳам экиш схемаларига боғлиқ ҳолда бўлиб, 291,5 граммдан 321,0 грамм ортиб борганлиги кузатилди.

Барг массаси ўриб олинган умумий ўсимлик массасининг 40,1-46,7 % ини ташкил қилди. Ушбу муддатда олти хил экиш схемасида ўстирилган ширин маккажўхори Маза нави ўсимликларида тўпгул массаси 8,2 граммдан 12,3 граммгача бўлиб, ўсимлик массасининг 1,2-1,7 % ини ташкил этди. Шунингдек, йиғиштириб олинган модул ўсимликларнинг ҳосил структурасини тадқиқ қилишда поя массаси улиши ҳам ўрганилди. Ширин маккажўхорининг Маза нави ўсимликларида (илдиз ва сўтадан ташқари) поя массаси экиш схемаларига боғлиқ ҳолда 357,9 - 422,9 граммни ташкил этиб, умумийга нисбатан 52,1-58,2 % дан иборат бўлди.

1- жадвал

Ширин маккажўхори нав ва дурагайларида ўриб олинган ўсимлик массасида ҳосил структурасини аниқлаш (2019 й)

Экиш муддати	Экиш схемаси	Ўриб олинган ўсимлик массаси	Барг массаси		Тўпгул массаси		Поя массаси	
			грамм	%	грамм	%	грамм	%
Маза нави								
05.07	60x20	709,9	325,2	45,8	9,2	1,3	375,5	52,9
	60x25(н-т)	734,2	325,3	44,3	11,0	1,5	397,9	54,2
	60x30	742,1	298,4	40,2	12,6	1,7	431,1	58,1
	70x20(н-т)	728,2	324,9	44,6	10,9	1,5	392,41	53,9
	70x25	740,0	305,0	41,2	11,8	1,6	423,2	57,2
	70x30	748,9	291,5	38,9	13,4	1,8	440,0	59,3
Замин нави								
05.07	60x20	685,2	308,4	45,0	8,9	1,3	367,9	53,7
	60x25(н-т)	703,4	300,5	42,7	10,5	1,5	392,4	55,8
	60x30	711,2	276,8	38,9	12,0	1,7	422,4	59,4
	70x20(н-т)	691,2	304,9	44,1	9,6	1,4	376,7	54,5
	70x25	710,1	284,9	40,1	12,1	1,7	413,0	58,2

	70x30	721,2	270,6	37,5	12,9	1,8	437,7	60,7
Мегатон F₁ дурагайи								
05.07	60x20	738,4	304,3	41,2	10,3	1,4	423,8	57,4
	60x25(Н-Т)	748,1	297,9	39,8	11,2	1,5	439,1	58,7
	60x30	758,1	282,1	37,2	13,6	1,8	462,4	61,0
	70x20(Н-Т)	745,2	301,3	40,4	11,7	1,5	432,2	58,1
	70x25	755,2	287,8	38,1	12,8	1,7	454,6	60,2
	70x30	763,9	272,8	35,7	14,5	1,9	476,6	62,4
Юнион F₁ дурагайи								
05.07	60x20	804,5	305,8	38,0	12,0	1,5	486,7	60,5
	60x25(Н-Т)	843,5	308,8	36,6	13,4	1,6	521,0	61,8
	60x30	874,8	309,8	35,4	15,7	1,8	549,3	62,8
	70x20(Н-Т)	822,7	307,0	37,3	12,3	1,5	503,4	61,2
	70x25	863,7	309,3	35,8	15,5	1,8	538,9	62,4
	70x30	900,5	299,9	33,3	18,0	2,0	582,6	64,7

Ширин маккажўхорининг Мазза навида ҳосил структурасининг шаклланиши экиш муддатлари бўйича таққосланганда энг юқори ўсимлик массаси 5 июл муддатида экилганда қайд этилиб, экиш схемаларига боғлиқ ҳолда 709,9-748,9 граммгача бўлди. Юқорида таъкидлаганимиздек ушбу муддатда ҳам ўсимлик массасининг ортиб бориши асосан озикланиш майдонини кенгайиши қараб ўзгарди. Яъни, энг юқори ўсимлик массасининг шаклланиши 60x30, 70x25 ва 70x30 см схемада экилганда кузатилиб тегишли равишда 742,1; 740,0; 748,9 граммдан иборат бўлди. Шунингдек, барг массаси 291,5-325,2 грамм ёки умумийга нисбатан 38,9-45,8 % ни, тўпгул массаси 9,2-13,4 грамм ёки умумийга нисбатан 1,3-1,8 5 % ни, поя массаси 375,5-440,0 граммни ёки умумийга нисбатан 52,9-59,3 % ни ташкил қилди.

Ширин маккажўхорининг Мазза нави 5 июл муддатида экилганда ҳосил структурасининг шаклланишида экиш схемасига боғлиқ қонуният сақланиб қолди. Тажрибаларимизда Бухоро вилояти шароитида такрорий экинда

ўстиришга мослиги бўйича ажратиб олинган Замин нави ҳосил структурасининг шаклланиши таҳлил қилинганда, Мазза навини етиштиришдаги сингари қонуният сақланиб, учта экиш муддатида ҳам энг юқори ўсимлик массасининг шаклланиши 60x30, 70x25 ва 70x30 см схемаларда кузатилди.

Шунингдек, ширин маккажўхорининг Замин нави 5 июлда экилганда 60x30, 70x25 ва 70x30 см схемаларига тегишли равишда энг юқори ўсимлик массасининг 711,2; 710,1; 721,9 грамм, барг массаси 276,8; 284,9; 270,6 грамм, тўпгул массаси 12,0; 12,1; 12,9 грамм, поя массаси 422,4; 413,0; 437,7 граммни ташкил қилди.

Такрорий экинда турли муддат ва турли экиш схемаларида ўстирилган ширин маккажўхорининг Мегатон F₁ ва Юнион F₁ дурагайларининг бир туп ўсимлигида(илдиз ва сўталардан ташқари) барг, тўпгул ҳамда поя массасининг улиши аниқланди. Бунда Мегатон F₁ дурагайида ўсимлик массаси экиш муддатларига мос равишда 25 июнда экилганда 713,2-736,1 г, 5 июнда экилганда 738,4-763,9 г, 15 июлда экилганда эса 692,5-722,4 г дан иборат бўлди. Шунингдек, экиш муддатлари ва экиш схемалари бўйича тўпгул массаси 9,2-13,2 г; 11,2-14,5 г; 8,3-11,5 г ни, поя массаси ҳам тегишлича 399,3-449,8 г; 423,8-476,6 г; 391,9-431,9 г бўлганлиги қайд этилди. Ўрганилган нав ва дурагайлар орасида экиш муддатлари ва экиш схемалари бўйича энг юқори ўсимлик массасини шаклланиши Юнион F₁ дурагайида қайд этилиб, бир туп ўсимлик массаси экиш муддатларига мос равишда 25 июнда экилганда 764,7-856,7 г, 5 июнда экилганда 804,5-900,5 г, 15 июлда экилганда эса 745,2-828,2 г ни ташкил этди. Тўпгул массасининг шаклланишида ҳам юқори кўрсаткич қайд этилиб экиш муддатлари ва экиш схемаларига боғлиқ ҳолда 10,7-14,5 г; 12,0-18,0 г; 10,4-14,9 г ни, шунингдек поя массаси 458,8-553,4 г; 486,7-582,6 г; 468,6-527,5 г дан иборат бўлди.

Хулоса. Тадқиқотларимиз натижалари асосида хулоса қилиш мумкинки, ширин маккажўхори нав ва дурагайларининг яшил массасининг шаклланишига экиш муддати ва экиш схемаси сезиларли даражада таъсир қилар экан. Тажрибаларимизда ўрганилган ширин маккажўхорининг Мазза, Замин,

Мегатон F₁, Юнион F₁ каби нав ва дурагайларини такрорий экин сифатида етиштирилганда 5 июлда 60x30, 70x25 ва 70x30 см схемалар экиш энг юқори ўсимлик яшил массасининг шаклланиши кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Зайцев В., Бакалдин В., Бабаханов Э. Сахарная кукуруза. М.: 2020. – С. 30-33, 43-46.
2. Остонакулов Т.Э., Бурхонов Ш.О., Нарзиева С.Х. Ширин маккажўхори. Монография. Т.: 2007. – Б. 9-10.
3. Остонакулов Т.Э., Халилов Н.Х., Луков М.Қ., Санаев С.Т. Такрорий экин фаровонлик манбаи. – Самарқанд, 2017. – Б. 108-112.
4. Рычкова М.И. Режим орошения и удобрение сахарной кукурузы на обыкновенных черноземах. Автореф. док. дисс. – Новочерковск, 2007. – С. 23-24.
5. Санаев С.Т., Ҳасанова С.Т. Сабзаёт маккажўхори навларини такрорий экин сифатида ўстирилганда ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги. Илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами, 1-қисм. – Самарқанд, 10-12 май. 2018. – Б. 100-103.

MUNDARIJA / TABLE OF CONTENTS / СОДЕРЖАНИЕ

1.	SOTSIAL INJENERIYA SOHASIDA LOYIHALARNING AHAMIYATI Karimov O‘Imasbek	4
2.	SOTSIOLOGIK TADQIQOTLARNI TAHLIL ETISHDA SOTSIOLOGIK MONITORING TIZIMI Karimova Gulnoza	7
3.	THE IDEOLOGY OF PURITAN LITERATURE Turdimatova Madinakhan Ravshanovna Khamrakulova Dilobar	10
4.	G‘O‘ZA OILALARINING CHIGITNI TURLI EKISH USULIDA YETISHTIRILGAN URUG‘LIKLARINI HOSIL SHOXLAR KESIMIDA PISHGANLIK KO‘RSATKICHLARI Qodirov Otabek Abdullaxayevich	13
5.	URUG‘LIK UCHUN EKILGAN SHOLINING “LAZURNIY” NAVINI BIOMETRIK KO‘RSATKICHLARIGA AZOTLI O‘G‘IT ME‘YORI VA OZIQLANTIRISH SONI TA‘SIRI Normatov Abduvali Ubaydulla o‘g‘li Qodirov Baxtiyor Gulmuhammadovich	17
6.	АЧЧИҚ ҚАЛАМПИР (CAPSICUM ANNUUM L.) НИНГ ЯНГИ НАВЛАРИНИ ИССИҚХОНА ШАРОИТИДА МАҚБУЛ ЭКИШ СХЕМАСИНИ ЎСУВ ДАВРИГА ТАЪСИРИ Хушвақтов Нурбек Жумаевич	23
7.	ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ҲАМДА СХЕМАЛАРИДА ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ЭКИЛГАН ШИРИН МАККАЖЎХОРИ НАВ ВА ДУРАГАЙЛАРИНИНГ ЯШИЛ МАССАСИГА ТАЪСИРИ Рахматов Идрок Илхомович	28
8.	AVTOTRANSPORT VOSTALARINING ATROF-MUHITGA TA‘SIRI VA UNING TAHLILI Abdusamatov Farhodjon G‘ayratjon o‘g‘li Rustamjonov Abdulmalik Baxromjon o‘g‘li	34
9.	DEPICTION OF CLIMATIC CONCERNS IN “NEW YORK 2140” BY KIM STANLEY ROBINSON Niyozov Jumanazar Farxod o‘g‘li	37
10.	CHARLES DIKKENS VA UNING “KICHKINA DORRIT” ASARI TAHLILI Zokirjonova Maftuna Zokirjon qizi Xudoynazarova Dildora Shonazar qizi	41
11.	THE IMPORTANCE OF SEED AND COMMERCIAL GRAIN STORAGE METHODS Khalikov Mukhridin Bakhromjon ugli Akhmadjonov Avazbek Akmaljon ugli	47
12.	YOVVOYI OLMA (MALUS SIEVERSII) POPULYATSIYALARINING GEOGRAFIK TARQALISHI VA O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI Y.I.To‘xtayeva , X.S.To‘raqulov	52
13.	SELEKTIV QABUL QILGICHLI QUYOSH ISSIQLIK-ENERGETIK QURILMALARINING SAMARADORLIGI F.Y. Ramazonova	54
14.	RUS TILIDA O‘ZLASHGAN TURKIY SO‘ZLARNING QO‘LLANISHI Negmadjanova Manzura Boltayevna	58
15.	O‘ZBEK ETNOSINING O‘RGANILISHI TARIXI Shamsiddinov Bahodir Mirzaaxmad o‘g‘li	62